



Published on *insonvaqonun.uz* (<http://insonvaqonun.uz>)

[Бош саҳифа](#) > Фермер хўжаликлари ер майдонлари мақбуллаштирилади

11.01.2019



Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди (09.01.2019й 14-сон).

Қарорга асосан, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонлари мақбуллаштирилади.

Шунингдек, қарор билан ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш бўйича республика, вилоят ҳамда туман ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланди.

Эксперимент тариқасида фермер хўжаликлари учун ер участкалари очиқ танлов якунига кўра ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади.

Бир гектар ер майдони учун пахта-ғаллачилик лойиҳасига 2 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида ҳамда сабзавот-ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-полизчилик лойиҳаларига 5 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган талабгорларга ва кластер корхоналарига туман сектор раҳбарининг тавсиясига кўра танлов ўтказмасдан туман ҳокимининг қарорига асосан ер участкалари ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари уларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича белгиланади:

- пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 100 гектар;
- ғаллачилик ва сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 20 гектар;

- боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 10 гектар;
- сабзавотчилик ва полизчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 5 гектар;
- чорвачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари қонунчиликда белгиланган тартибда мавжуд шартли мол бош сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ўлчами юқорида назарда тутилган миқдорлардан кам бўлган тақдирда, уларни мақбуллаштаришга асос бўлади.

Мақбуллаштириш жараёнида туман ҳокимликлари захирасига қайтарилган ер участкалари, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган, молиявий ҳолати яхши ва қишлоқ хўжалиги техникаларига эга кўп тармоқли фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, экспорт қилувчи ва қайта ишловчи корхоналарга берилади.

56 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [2019 йилнинг 19 январь куни Адлия вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлиси ўтказилди](#) [3]
- [Ўзбекистон Президенти “Жўшқин Гужарат” халқаро инвестиция саммитида иштирок этди](#) [4]
- [Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#) [5]
- [Адлия вазирлиги тизимида янги тайинловлар амалга оширилди](#) [6]
- [Севимли газетамизнинг биринчи - янги форматдаги сони нашрдан чиқди](#) [7]
- [Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди](#) [8]
- [Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги](#) [9]
- [Урбанизация агентлиги ҳамда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди](#) [10]
- [Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ташкил этилди](#) [11]
- [Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламлари нотариал ҳаракатлар учун тўлов тўламайди](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4492>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4492>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4492>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4511>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4509>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4506>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4501>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4498>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4497>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4496>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4495>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4494>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4489>